

## Список использованной литературы:

1. Махмудходжаева Л.С., Архангельская Е.Г. «Перспективы совершенствования системы инклюзивного образования в республике Узбекистан» [https://inlibrary.uz/index.php/industry\\_4/article/view/3580](https://inlibrary.uz/index.php/industry_4/article/view/3580)
2. Закон Республики Узбекистан «О правах лиц с инвалидностью» №ЗРУ-641 от 15.20.2020 г. <https://lex.uz/ru/docs/5049549>
3. Закон Республики Узбекистан № ЗРУ-695 «О ратификации Конвенции о правах инвалидов» <https://lex.uz/ru/docs/5447430>
4. Постановление Президента Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёева № 4860 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы образования и воспитания детей с особыми образовательными потребностями» <https://lex.uz/ru/docs/5044745>
5. Указ Президента Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёева от 8 октября 2019 года № УП-5847 «Об утверждении концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года» <https://lex.uz/ru/docs/4545887>
6. Зейтц У. Кризис и восстановление в Узбекистане: экономические и социальные последствия COVID19. Группа Всемирного банка. 2021 г. <https://thedocs.worldbank.org/en/doc/a141cb6bace3f340df173e75d4463970-0080062021/original/> L2CU-COVID-19-Rev2020-Cleared-UZB.pdf.
7. Зейтц У. и др. Узбекистан: выявление рисков воздействия COVID-19 на уровне общин. Группа Всемирного банка. <https://openknowledge.worldbank.org/bitstream/handle/10986/34925/UzbekistanDynamically-Identifying-Community-Level-COVID-19-Impact-Risks.pdf?sequence=1&isAllowed=y>.
8. Юсупов Д. Узбекистан: как обеспечить доступность высшего образования для людей с инвалидностью? <https://cabar.asia/en/uzbekistan-how-to-ensure-higher-education-accessibility-for-people-with-disabilities>
9. Бакаева Ф., Муратова Д. Аналитический доклад по результатам мониторинга прав инвалидов на доступ к транспортным услугам. Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека, ПРООН в Узбекистане. 2015.
10. Алехина С.В. Инклюзивное образование: от политики к практике. // Психологическая наука и образование. 2016. Т. 21. № 1. – С. 136–145.
11. Акимова О.И. Инклюзивное образование как современная модель образования лиц с ограниченными возможностями здоровья. // Инклюзивное образование: методология, практика, технология. – 2011. Материалы международной научно-практической конференции 20–22 июня 2011
12. Шипицына Л.М. Тенденции и трудности инклюзивного образования в современной России // Инклюзивное образование: практика, исследования, методология: Сб. материалов II Международной научно-практической конференции / Отв. ред. Алехина С. В. – М.: МГППУ, 2013, Санкт-Петербург, Россия
13. Крайнева Е.И. Социально-педагогические эффекты инклюзивного образования. // Инклюзивное образование: практика, исследования, методология: Сб. материалов II Международной научно-практической конференции / Отв. ред. Алехина С. В. – М.: МГППУ, 2013.
14. Пугачев А.С. Инклюзивное образование / А.С. Пугачев. – Текст: непосредственный. // Молодой ученый. – 2012. – №10 (45). – С. 374–377.
15. Адилова Э.Дж., Хонтураев Б.А. Ўзбекистон Республикасида инклюзив таълимга эҳтиёжни аниқлаш: муаммо ва ечимлар. Ахборот-таҳлилий маълумот. – Т., 2019. 42 б.
16. В программу переписи населения не включили вопросы об инвалидности, Gazeta.uz. 3 марта 2020 г. <https://www.gazeta.uz/ru/2020/03/03/disability-questions/>
17. Указ Президента Республики Узбекистан О мерах по кардинальному совершенствованию системы государственной поддержки лиц с инвалидностью №УП-5270 от 01.12.2017 г. <https://lex.uz/docs/3436196>
18. Указ Президента Республики Узбекистан УП-60 от 29.01.2022 г. «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022–2026 годы». <https://lex.uz/docs/5841077>
19. Президент рассказал, какие возможности получают инвалиды в Узбекистане. 03.12.2021. <https://uz.sputniknews.ru/20211203/prezident-rasskazal-kakie-vozmojnosti-poluchat-invalidy-v-uzbekistane-21642670.html>



**ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК  
МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАМОЙИЛЛАРИ,  
ШЕРИКЛИКНИНГ УСТУВОР ВА ЗАИФ ЖИХАТЛАРИ**

**Абдикаримова Зухра Бахрамовна -**  
Урганч давлат университети  
таълим докторанти

 [https://doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss2/a51](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss2/a51)

**Аннотация.** Мақолада таълим тизимида ДХШ амалиётидан фойдаланишнинг таълим тизимидаги аҳамияти, шериклик муносабатларини ташкил этишнинг SWOT таҳлилига тўхталиб ўтилади. Шунингдек, таълим тизимида ДХШни ташкил этишда ҳукуматлар томонидан аҳамият қаратилиши лозим бўлган масалалар асосида ДХШ тамойиллари ишлаб чиқилади.

**Калит сўзлар:** давлат-хусусий шериклик, таълим тизими, хусусий сектор, ҳукумат, инфратузилма, лойиҳа.

## ПРИНЦИПЫ ОРГАНИЗАЦИИ ГОСУДАРСТВЕННО-ЧАСТНЫХ ПАРТНЕРСКИХ ОТНОШЕНИЙ В СИСТЕМЕ ОБРАЗОВАНИЯ, ПРИОРИТЕТНЫЕ И СЛАБЫЕ СТОРОНЫ ПАРТНЕРСТВА

**Абдикаримова Зухра Бахрамовна -**

*Докторант Ургенчского государственного университета*

**Аннотация.** В статье акцентируется внимание на важности использования практик ГЧП в системе образования, SWOT-анализе организации партнерских отношений. Также будут разработаны принципы ГЧП исходя из вопросов, на которые правительствам следует обратить внимание при организации ГЧП в системе образования.

**Ключевые слова:** государственно-частное партнерство, система образования, частный сектор, государство, инфраструктура, проект.

## PRINCIPLES OF ORGANIZING PUBLIC-PRIVATE PARTNERSHIP IN THE EDUCATION SYSTEM, PRIORITY AND WEAK ASPECTS OF PARTNERSHIP

**Abdikarimova Zuhra Bakhramovna -**

*PhD student of Urgench State University*

**Abstract.** The article focuses on the importance of the use of PPP practices in the educational system, SWOT analysis of the organization of partnership relations. Also, principles of PPP will be developed based on the issues that governments should pay attention to when organizing PPP in the educational system.

**Key words:** public-private partnership, education system, private sector, government, infrastructure, project.

**Кириш.** Жамият ривожланишига қараб даромад манбаи сифатида билимлар, инновациялар ва уларни амалда қўллаш усуллари кўпроқ амал қилади. Иқтисодий ривожланишда билим биринчи даражали аҳамият касб эта бошлаши ижтимоий ҳаётда таълимнинг ўрни, таълим ва иқтисодиёт каби соҳаларнинг ўзаро нисбати бутунлай ўзгаришига олиб келади. Таълим ҳар бир жамиятнинг ажралмас қисми, маданияти ва ривожланишнинг асосий кўрсаткичидир. Шу сабабдан ҳар қандай мамлакат истиқболли режалар тузар экан, аввало, таълим тизимига эътиборни кучайтиради. Таълим сифатини ошириш – Янги Ўзбекистон тараққиётининг яққаю ягона тўғри йўлидир [1].

Бозор иқтисодиётининг кучсиз жиҳатлари ва даромадлар тенгсизлигининг мавжуд бўлиш хавфи ижтимоий ҳаётнинг кўплаб соҳаларида давлатнинг роли мавжуд бўлишини тақозо этади. Лекин аҳоли сонининг ошиб бориши ва сифатли таълим хизматларини тақдим этишнинг зарурати бу борада давлат бошқарувининг инновацион дастурларини амалга оширишни ва қатор вазифаларини бажаришни тақозо қилади. Бунда давлат ва хусусий сектор манфаатларининг уйғунлигини таъминлаш ва улар имкониятларидан самарали фойдаланиш таълим натижаларини ошириш ва юқори даражада таълим хизматларини етказиб беришда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳақиқатан ҳам, замонавий жаҳон тажрибаси сўнгги йилларда таълим тизимини қўллаб-қувватлаш, таълим муассасалари учун керакли инфратузилмани таъминлаш, таълим тизимида бошқарувнинг янгича услубини жорий этиш, таълим тизимида коррупциянинг олдини олишда давлат-хусусий шериклик муносабатлари то-

бора ривожланиб бораётганлигини кўрсатмоқда.

Шу сабабли давлат-хусусий шериклик замонавий таълимнинг турли хил таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим бериш каби муаммоларини ҳал қилиш воситаси сифатида таълим дастурларининг сифатини ошириш учун маблағларни бирлаштириш ва жалб қилишда, талабаларнинг психофизиологик хавфсизлиги учун шарт-шароитларни таъминлашда аҳамиятли ҳисобланади [2].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли фармонида ҳам таълим тизимида давлат-хусусий шерикчилик муносабатларини амалга ошириш масалаларига алоҳида аҳамият қаратилади. Фармоннинг 2-иловаси билан тасдиқланган Давлат дастурининг 105-бандига мувофиқ, давлат-хусусий шериклик асосида энергетика, транспорт, соғлиқни сақлаш, таълим, экология, коммунал хизматлар, сув хўжалиги ва бошқа соҳаларга қиймати қарийб 14 млрд. доллардан иборат бўлган 154 та давлат-хусусий шериклик лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилмоқда. 2022-2026 йиллар давомида таълим соҳасида амалга оширилиши режалаштирилган 6 та йирик лойиҳа бўйича ҳужжатлар тайёрлаш ва ўрганиш ишлари олиб борилмоқда [3]. Бунда таълим тизимида давлат-хусусий шериклик муносабатларини ташкил этишнинг асосий тамойилларини аниқлаб олиш, шунингдек, шериклик муносабатларининг устун ва заиф жиҳатларини ўрганиш долзарб аҳамият касб этади.

**Адабиётлар таҳлили.** Давлат-хусусий шериклик муносабатлари инфратузилмани ислоҳ

қилиш ва хизматларни тақдим этишда инновацион ҳамкорлик шаклидир. Халқаро валюта жамғармаси фикрига кўра, ДХШ давлат томонидан анъанавий тарзда таъминланадиган инфратузилмавий активлар ва хизматларни хусусий сектор томонидан тақдим этишга қаратилган келишувдир [4].

Жаҳон банки эса ушбу муносабатларни хусусий томон ва давлат органи ўртасидаги давлат активларини яратиш ёки хизматларини тақдим қилиш учун узоқ муддатли шартнома эканлигини таъкидлаб, унда хусусий томон сезиларли катта рисклар ва бошқарув учун жавобгарликни олишини таъкидлайди [5].

Тадқиқотчилар Э.Р.Йескомб, Э.Фаркухарсон фикрича, давлат-хусусий шериклик хусусий сектор томонидан инфратузилмани қуриш, лойиҳалаш, бошқариш борасидаги узоқ муддатли келишув ва ушбу келишувдан мақсад объектининг тўлиқ ёки муҳим қисмини молиялаштириш учун хусусий сектор капиталидан фойдаланишни назарда тутди [6].

Е.Иосса ва Д.Мартиморт эса ушбу муносабатларни қуйидагича таърифлайди: “ДХШ давлат органи (маҳаллий ёки марказий давлат органи бўлиши мумкин) ва хусусий томон ўртасидаги айрим хизматларни тақдим этиш бўйича шартномавий келишув бўлиб, бунда хусусий сектор инфратузилмани қуриш ёки янгилаш учун жавобгарликни ўз зиммасига олади, инвестицияларни молиялаштириш бўйича келишувларни амалга оширади ва кейин ушбу объектни бошқаради ва сақлайди [7]”.

Давлат-хусусий шериклик муносабатлари тушунчаси таълим тизимида яқинда кириб келган бўлишига қарамаздан, сўнгги йилларда таълим тизимида ушбу муносабатларнинг аҳамияти борасида тадқиқотлар сони ошиб бораётганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин. С.Робертсон ва А.Вергер ўзининг “Таълим тизимида давлат-хусусий шериклик муносабатлари: янги иштирокчилар ва глобализация шароитида бошқарувнинг янги модели” китобида ушбу муносабатларнинг таълим тизимида таъсири ва аҳамиятини кенг миқёсда ёритиб бериб, қуйидаги фикрларни билдириб ўтишган: “Турли хил шароитларда ДХШ аҳолининг барча қатламларига таълим бериш, айниқса, аҳолининг энг заиф қатламларига янги таълим имкониятларини тақдим этишда инновацион ёндашув сифатида қабул қилинади. Кўплаб ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар ва бошқа таълим соҳасидаги ташкилотлар хусусий шерик билан ҳамкорлик қилиш орқали ўзларининг таълим тизимини янада самарали, мослашувчан ва мақсадга мувофиқ усулда кенгайтиришлари мумкин деб ҳисоблашади. Ушбу муносабатлар кўп қиррали, замонавий кўринишга эга, ҳар қандай ҳолатга тайёр бўлиб, инновацион ечимлар сифатида жозибали

кўринишга эга, шу билан биргаликда, лойиҳаларни амалга оширишнинг қизиқарли ва ғайратли усулидир” [8].

Норман Ларок ва Сена Ли фикрига кўра, таълим соҳасида ДХШдан фойдаланиш таълим олиш имкониятларини кенгайтиришга ёрдам бериш орқали мамлакатлар учун жуда катта фойда келтириши мумкин. Давлат секторида бутун бир аҳолининг сифатли таълим олишини молиялаштириш ва таъминлашда катта миқдордаги ресурс чекловлари мавжуд. ДХШ лойиҳаларини тақдим этиш орқали таълим соҳасига кўшимча маблағлар жалб этилиши давлат томонидан қондирилмаган бўшлиқларни тўлдириши мумкин. Шунингдек, ушбу муносабатлар давлат мактабларида таълим сифатига ёмон таъсир кўрсатаётган жиҳатлардан бири – синфларда ўқувчилар сонини нисбатан камайитиришга ёрдам беради [9].

Ромита Митра “Covid-19” инқирози даврида сифатли таълимни таъминлаш учун давлат-хусусий шерикчилик муносабатларининг ролига аҳамият бериб, инқироз таълим хизматларини етказиб беришнинг анъанавий усулида катта камчиликлар мавжуд эканлигини, таълим тизимининг тезда оёққа туриб кетишида ушбу муносабатларни ривожлантириш масаласига аҳамият қаратиш лозимлигини уқтиради [10].

Майкл Латэм фикрига кўра, ҳозирда ҳукуматлар таълим ва бошқарув амалиётини такомиллаштириш борасида капитал ва техник ёрдам кўрсатиш орқали хусусий секторнинг салоҳиятидан фойдаланмоқда. Шунингдек, у ҳукуматлар таълим тизимида ДХШ лойиҳаларини амалга оширишга ёрдам берувчи институтлар ва зарур ахборот оқимини кафолатлаши зарурлигини таъкидлайди [11].

Олиб борилган тадқиқотларнинг кўпчилигида асосий эътибор давлат-хусусий шериклик муносабатларининг аҳамиятига тўхталиб ўтилган бўлиб, бунда ушбу шериклик муносабатларини ташкил этиш тамойиллари ва таълим тизимида самарали шериклик омиллари кам ўрганилганлигини кузатиш мумкин.

**Тадқиқот методологияси.** Ўзбекистон таълим тизимида давлат-хусусий шериклик тушунчаси мутлақо янги тушунчалардан бири бўлиб, шу сабабли ушбу муносабатларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини ўрганиш борасида хорижий адабиётларни таҳлил қилишда илмий тадқиқот методологиясидаги мавжуд назарий-эмпирик тадқиқот методларидан фойдаланилди. Шу билан бир қаторда тадқиқот методларидан анализ ва синтез, таққослаш, дедукция ва абстракциялаш усулларидан кенг фойдаланилди. Шу билан биргаликда, шериклик муносабатларининг табиатини кенг миқёсда ўрганишда SWOT таҳлилидан фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар.** Аҳолининг таълим инфратузилмаси ва сифатли таълим олишга интилишининг ошиши бу соҳада эски қарашлардан воз кечишни ва янги концепцияни қўл-

лаш заруратини қўймоқда. Умумун олганда, эски қараш ва янги парадигма ўртасидаги боғлиқликни қуйидагича изоҳлаш мумкин:

1-чизма

**Таълим тизимига ёндашувнинг эски ва ДХШ доирасидаги янги парадигмаси**

№	Эски парадигма	Янги парадигма
1.	Давлат барча муаммоларни ўзи ҳал қилади	Давлат фақат умумий жараёни назорат қилади
2.	Муаммога миллий ечимлар	Муаммога трансмиллий ва халқаро ечимлар
3.	Монопол бозорнинг мавжудлиги	Либераллаштириш натижасида рақобат муҳитининг вужудга келиши
4.	Таклифга йўналтирилган бозор	Талабга йўналтирилган бозор
5.	Давлатнинг молиявий ресурсларидан фойдаланиш	Давлат ва хусусий секторнинг молиявий ресурсларидан фойдаланиш

*Манба:* муаллиф ишланмаси.

Юқоридагилардан кўриш мумкинки, таълим тизимида давлат-хусусий шериклик механизмидан фойдаланиш давлат томонидан таъминланиб ва бошқарилиб келинаётган анъанавий тизимдан мутлақо фарқ қилади. Шунинг қайд этиш лозимки, фикримизча, айнан янги парадигманинг кириб келиши таълим тизимида туб бурилишларга олиб келиши мумкин. Нега деганда, давлатнинг ўзи мамлакат аҳолиси учун лозим бўлган таълим инфратузилмаси (мактабгача таълим муассасаси, мактаб, олий таълим инфратузилмаси)га бўлган талабни тўлиқ таъминлай олиши, қолаверса, мавжуд инфратузилма объектларида сифатни таъминлаши мураккаб масалалардан ҳисобланади. Қолаверса, иқтисодиётни либераллаштириш ислохотлари ҳам

бу борада давлатнинг ролини қайта кўриб чиқишни, шу билан биргаликда, хусусий секторнинг иштирокини қўллаб-қувватлашни талаб қилади.

Таълим тизимида ДХШ механизмидан фойдаланиш ҳукумат учун ҳам, хусусий сектор учун ҳам қатор имкониятларни бериши мумкин. Синергетик шериклик муносабаларидан иккала томон ҳам манфаатдор. Шу билан биргаликда, шериклик муносабатлари иккала томон учун ҳам баъзи бир ноқулайликларни олиб келиши мумкин. Қуйида биз таълим тизимида ДХШдан фойдаланишнинг SWOT таҳлилини келтирамиз, бу бизга шериклик муносабатларидан келадиган устуворликлар ва йўқотишларни тушуниб олишимизда ёрдам беради.

2-чизма

**Таълим тизимида ДХШ амалиётдан фойдаланишнинг SWOT таҳлили**

Кучли томонлар (Strength)	Заиф томонлар (Weakness)
<ul style="list-style-type: none"> <li>- Давлат-хусусий шерикчилик шартномаси асосида таълим хизматларини тақдим этиш билан боғлиқ таваккалчилик хатарларининг давлат ва хусусий сектор ўртасида тақсимланишининг юқори даражаси [8];</li> <li>- таълим тизимида шериклик муносабатларини кенг миқёсда амалга ошириш натижасида таълим тизимининг либераллашуви ва модернизациялашуви;</li> <li>- тадқиқот ишларини тижоратлаштиришда юқори даражага эришиш (илмий тадқиқотлар ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ҳамкорликни рағбатлантириш)[12]</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- хусусий секторнинг таълим хизматларини тақдим этишга кириб келиши маълум маънода давлатнинг таълим тизимини назорат қилиш таъсирининг камайишига олиб келади;</li> <li>- лойиҳаларни амалга ошириш ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш механизми ва ДХШда тажриба ва малакали кадрларнинг етишмаслиги;</li> <li>- давлат ва хусусий сектор ўртасида трансакцион харajatларнинг юқори даражаси</li> </ul>
Имкониятлар (Opportunities)	Таҳдидлар (Threat)
<p>Хусусий сектор томонидан киритиладиган катта миқёсдаги инвестициялар ҳисобига молиявий чекловларни бартараф этиш имконияти вужудга келади.</p> <p>Таълим самарадорлигини ошириш мақсадида зарур бўладиган таълим инфратузилмасини (таълим биноси, талабалар турар жойи, лабораториялар, спорт мажмуалари, илмий тадқиқот муассасалари) таъминлайди.</p> <p>Бошқарувнинг янги методларини қўллаш имкониятининг мавжудлиги туфайли таълим сифатини юқори даражага олиб келиши мумкин.</p> <p>Ҳукумат томонидан очиқ тендер усули ёрдамида хусусий шерикнинг танлаб олиниши ҳукуматга таълим сифатига қўйиладиган махсус талабларни белгилаб қўйишга имкон беради.</p>	<p>Хусусий секторнинг таълим хизматларини тақдим қилиши жамиятда ижтимоий-иқтисодий стратификацияни келтириб чиқариши мумкин [13].</p> <p>Давлат-хусусий шерик иштирокидаги корхоналарда ишга ёлланган ходимлар иш кафолатининг барқарор эмаслиги.</p> <p>Самарали ташкил қилинмаган шерикчилик муносабатлари ёки шартномаларда аниқликнинг етишмаслиги коррупцияни келтириб чиқариши мумкин.</p> <p>Таълим тизимида ДХШнинг муайян йўналиши бўйича тузиладиган шартнома узоқ муддатни назарда тутган тақдирда шартномани қайта кўриб чиқиш зарурати.</p>

*Манба:* Муаллиф ишланмаси



Юқорида таъкидланганидек, давлат-хусусий шериклик муносабатлари таълим инфратузилмасини ислоҳ қилиш ва таълим хизматларини тақдим этишда инновацион ҳамкорлик шаклидир. Бунда асосий иштирокчиларнинг мақсадлари уйғунлигини таъминлашда энг муҳим ва асосий жиҳатлардан бири шериклик муносабатларини тўғри йўлга қўйишдир. Тўғри йўлга қўйилган шериклик муносабатларигина таълим тизимида кенг қамровли ўзгаришларга олиб келиши мумкин. Яхши ва пухта ишлаб чиқилмаган ДХШ лойиҳалари акс таъсир кўрсатиб, ҳукуматнинг харажатлари ошиши ва сиёсий хатарларга олиб келиши мумкин. Шу сабабдан таълим тизимида ДХШнинг мазмуни, шериклик муносабатларини ташкил этиш ва ривожлантириш маълум бир тамойилларга таяниши керак (3-чизма). Биз ушбу тамойилларни бевосита 3 гуруҳга ажратиб оламиз: таълим тизимида ДХШнинг мазмуни, таълим тизимида ДХШни ташкил этиш ва таълим тизимида ДХШни ривожлантириш масалаларидан иборат.

Бунда давлат, давлат, даставвал, шериклик муносабатларининг таълим тизимидаги мавжуд стандартларга мослигини ва таъсирини, шунингдек, хусусий секторни жалб қилишнинг харажатлари қандай бўлишига аҳамият беришга мажбур.

Давлат шериклик муносабатларининг асосий иштирокчиси сифатида муносабатларни ташкил этиш ва самарали олиб боришга масъул ҳисобланади. Бунда жараён коррупциядан тўлиқ холи бўлиши, ҳар қандай дискриминацияни рад этиши ва барча хусусий томон учун тенг имкониятлар берилиши керак [14]. Шу жумладан, хусусий секторни қизиқтирадиган энг муҳим жиҳат фаолиятининг кафолати мавжудлиги масаласидир. Давлат бу борада тадбиркорнинг фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан белгилаб қўйиши лозим. Бунда ошкоралик ва қонун устуворлиги, тартибга солиш ва назорат қилишни тўғри йўлга қўйиш, мослашувчан меҳнат бозори, мулк ҳимояси масалаларига аҳамият қаратиш лозим.

Ушбу ҳуқуқий нормада, шунингдек, хусусий секторнинг мажбурияти доираси ва бажарилмаган ишлар учун жарималар ҳақида маълумот ҳам мавжуд бўлиши керак.

Социал соҳалар, жумладан, таълим тизими бошқа тадбиркорлик шаклларида қараганда хусусий сектор учун нисбатан камроқ жозибали бўлиши мумкин. Шу сабабдан ҳукумат ушбу соҳага хусусий секторни жалб қилиш борасида ўзининг стратегиясини ишлаб чиқиши керак бўлади. Стратегия давлат органлари давлат-хусусий шерикликнинг машҳурлигини ошириш мақсадида ушбу муносабатларнинг роли ва таъсири бўйича жамоатчиликни ва манфаатдор томонларни хабардор қилишни ўз ичига олиши

лозим. Шу билан биргаликда, келишувни расмийлаштириш жараёнини осонлаштириш, шунингдек, хусусий секторни кенгроқ жалб этиш мақсадида рағбатлар тизимини ишлаб чиқиши лозим.

**Хулоса қилиб айтганда,** таълим тизимида янги парадигманинг кириб келиши давлат томонидан таъминланиб келинаётган анъанавий шаклдан тубдан фарқ қилади. Давлат-хусусий шерикчилик муносабатларида давлат ва бизнес кенг қўламли масалаларни, жумладан, бугунги кун тартибидаги ва ҳозирги таълим тизимидаги муаммоларни ҳал қилишга қаратилган вазифалар, шу билан биргаликда, иқтисодий муаммоларни бартараф қилишда иккала томон ҳам ҳамкорлик қилишдан манфаатдордир ва бу, ўз навбатида, жамият ривожига ва таълим тизимида ўзига хос устуворликлар касб этади. Шу билан биргаликда, шериклик муносабатларининг айрим заиф жиҳатлари мавжуд бўлиб, асосий эътибор уларни ҳал қилишга қаратилиши лозим.

Таълим тизимида давлат-хусусий шерикчилик муносабатларини ривожлантириш ҳар бир давлатнинг иқтисодий ҳаётида ва таълим хизматларини етказиб беришда муҳим роль ўйнайди. Давлат бюджетининг чекланганлик шароитида ва аҳолининг таълим сифати ва нормал ҳаёт кечиришга бўлган талабининг чексизлик ҳолатида ушбу муносабатларни ривожлантириш мамлакат таълим тизими учун асосий вазифа бўлиб қолади. Шерикчилик муносабатларининг ҳамоҳанглигини таъминлаш мамлакат таълим тизимидаги муҳим ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларга сабаб бўлиши мумкин.

Мамлакатда ДХШ муносабатларини ривожлантиришда қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:


- Ўзбекистонда давлат-хусусий шерикчилик муносабатлари доирасидаги лойиҳаларни баҳолаш ва мониторингини таъминлаш мақсадида алоҳида шаклдаги лойиҳалаш институтлари ташкил қилиниши керак;

- Ўзбекистонда давлат-хусусий шерикчилик муносабатларини самарали ташкил этиш борасида кадрлар тайёрлаш масаласига эътибор қаратиш лозим. Бунда олий ўқув юртларида шериклик муносабатлари бўйича алоҳида дарсликларни яратиш ва тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш керак;

- аҳоли ўртасида тадбиркорликнинг алоҳида кўриниши сифатида ушбу муносабатларни ташкиллаштиришнинг аҳамияти бўйича тушунтирув-маслаҳат лойиҳаларини амалга ошириш ва уларни ушбу шериклик муносабатларидан кенгроқ хабардор қилиш лозим;

- давлат томонидан хусусий шерикнинг қамров даражасига қараб имтиёзлар тизимини кенгайтириб бориш.

Таълим тизимида давлат-хусусий шерикликни амалга ошириш тамойиллари



**Манба ва фойдаланилган адабиётлар:**

1. Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиси Мурожаатномаси. 2022 йил 20 декабрь.
2. Захаров Н.Н., Черданцев В.П., Тронина М.В. Государственно-частное партнерство в сфере образования – социально-экономический аспект. // Научный журнал Фундаментальные исследования. № 6, 2015. ISSN 1812-7339.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли фармони. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
4. Public-Private Partnerships. International Monetary Fund, 2004. <https://www.imf.org/external/np/fad/2004/pifp/eng/031204.htm>
5. World Bank Institute. / PPIAF, Public-Private Partnerships Reference Guide, Washington DC, 2012.
6. Yescombe E.R., Farquharson E. Public-Private Partnerships for Infrastructure: Principals of Policy and Finance. 2nd Edition. – Butterworth-Heinemann, 2018. ISBN: 978-0-08-100766-2.
7. Iossa E. & Martimort D. The Simple Microeconomics of Public-Private Partnerships. Journal of Public Economic Theory, 2015, 17 (1), 4–48. doi: 10.1111/jpet.12114
8. Susan Lee Robertson, Antoni Verger. “Public private partnerships in education: New actors and modes of governance in a globalizing world”. <https://www.researchgate.net/publication/292583612>
9. Norman LaRocque, Sena Lee. Non-state providers and public-private partnerships in education for the poor. Copyright UNICEF East Asia and Pacific Regional Office and Asian Development Bank, 2011.
10. Romita Mitra. COVID-19 is killing education budgets: are educational public-private partnerships an answer? [Journal of Professional Capital and Community](https://doi.org/10.1080/10801401.2020.1812733). ISSN: 2056-9548.
11. Michael Latham. Public-private partnerships in education. <https://www.cedol.org/wp-content/uploads/2012/02/158-159-2009.pdf>
12. Daniela PÂRVU Cristina VOICU-OLTEANU. Advantages and limitations of the public private partnerships and the possibility of using them in Romania. Transylvanian Review of Administrative Sciences · October 2009.
13. Public-Private partnership in education. A report by Educational International, 2009.
14. Tatjana.V.Varuklevich, Natalja.R.Pashuk. Public-private partnership in education: features and prospects. Revista san gregorio, 2019, Special issue August, ISSN: 1390-7247.



## ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ АКАДЕМИК КЎРСАТКИЧЛАРИ ДАРАЖАСИГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ОМИЛЛАР

**Юлдошева Гулноза Абдинабиевна** –  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети,  
мус. тад., кат. ўқ.

[doi https://doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss2/a52](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss2/a52)

**Аннотация.** Ушбу тадқиқотнинг мақсади талабаларнинг академик кўрсаткичларига таъсир қилувчи ижтимоий-иқтисодий омилларни, талабаларнинг молиявий мустақиллиги ва университетдаги ўзлаштиришлари ўртасидаги муносабатларни ўрганишдир. Сўров Тошкент давлат иқтисодиёт университети (Ўзбекистондаги иқтисодиёт йўналишидаги энг йирик университет) сайтидаги очик маълумотлар ва 200 нафар талабадан иборат масодифий танланган профиллар ёрдамида ўтказилди. Кузатув тадқиқоти давомида талабаларнинг молиявий эҳтиёжи таъминланганлиги ва қулай ўқув фанлари жадвали тузилганлиги уларнинг академик кўрсаткичлари ва илмий ютуқларига сезиларли ижобий таъсир кўрсатиши аниқланди. Турли сабаблар тўғрисида академик фанларнинг маъруза ва семинарларига қатнашмаслик ўзлаштиришга кучли салбий таъсир кўрсатиши аниқланди. Талабанинг бир ёки бир нечта хорижий тилни билиши ҳамда бирор спорт тури билан мунтазам шуғулланиши унинг ўқиш натижалари билан сезиларли ижобий ва турмуш қуриши эса салбий боғлиқдир. Бандликнинг турли гуруҳлардаги талабалар учун академик кўрсаткичларга таъсири турлича. Даромад омилнинг қиз талабаларнинг ўзлаштиришига таъсири ўғил болаларга қараганда кучсиз. Давлат хизматчиларининг фарзандлари ота-оналари бизнес билан шуғулланганидан қараганда, ўзлаштириш кўрсаткичлари бўйича юқори кўрсаткичларни эгаллашга бўлган қизиқиш даражаси юқори. Талабаларнинг илм олишга бўлган қизиқишларида, академик кўрсаткичларида уларнинг молиявий ва шахслараро муносабатлардан қониқиши ва ўзларини университетда яратилган таълим муҳитининг ажралмас бир қисми сифатида ҳис қилишлари муҳимлиги аниқланди.

**Калит сўзлар:** талабаларнинг академик кўрсаткичлари, бандлик, молиявий мустақиллик.

## СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ФАКТОРЫ ВЛИЯЮЩИЕ НА УРОВЕНЬ УСПЕВАЕМОСТИ СТУДЕНТОВ В ВУЗАХ УЗБЕКИСТАНА

**Юлдошева Гулноза Абдинабиевна** -  
Ташкентский государственный экономический  
университет, нез. соис., ст.пр.

**Аннотация.** Целью данного исследования является изучение социально-экономических факторов, влияющих на успеваемость студентов, а также взаимосвязи между финансовой независимостью студентов и их учебной деятельностью в университете. Опрос проводился с использованием открытых данных и случайно выбранных анкет 200 студентов на сайте Ташкентского государственного экономического университета (крупнейшего университета экономического направления в Узбекистане). В наблюдательном исследовании финансовая обеспеченность студентов и гибкость учебного графика оказали значительное положительное влияние на успеваемость и академические достижения.

В силу различных факторов было установлено, что пропуск занятий оказывает значительное негативное влияние на успеваемость по учебным дисциплинам. Владение иностранными языками и занятия спортом в значительной степени позитивны, а нахождение в браке негативно влияет на результаты обучения студента. Для людей из разных групп влияние занятости на успеваемость неодинаково. Влияние фактора дохода на успеваемость студенток меньше, чем на коллег-мужчин. Студенты, чьи родители являются государственными служащими, имеют более высокий уровень интереса к образовательной деятельности, чем те, чьи родители занимаются бизнесом. Было установлено, что удовлетворенность студентов финансовыми и межличностными отношениями, а также образовательной средой в университете является потенциальным условием для восполнения пропущенного материала.

**Ключевые слова:** успеваемость студентов, работа, совмещение, финансовый независимость.